

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ

**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув
кафедраси**

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н » факултет декани _____ доцент. Х.Х.КАМОЛОВ « ____ » _____ 2014 йил		« Химояга рухсат этаман » кафедра мудири _____ доцент. О. ШЕРМАТОВ. « ____ » _____ 2014 йил
--	--	--

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси

УСМАНОВ ОТАБЕК ТЎЛҚИНОВИЧНИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришни иқтисодий самарадорликка таъсири.

БМИ раҳбари _____ кат. ўқт *Усманов М.*
Бажарувчи: _____ *Усманов О.Т.*

Андижон - 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув
кафедрасининг мудири

Доц. О.Шерматов _____
« ____ » _____ 2013 й.

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Усманов Отабек Тўлқиновичга битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИҚ

- 1.Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг «26 июн» 2013 йилдаги №159 - Ст сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехикасини такоминлаштиришни иқтисодий самарадорликка таъсири.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** «30 » май 2014 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, 2011-2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 4 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни раҳбари	Бажариш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>30.11.2013й</i>	
<i>1 боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ривожлантириш ва такоминлаштиришнинг илмий-услубий асослари.</i>			
<i>1.1 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта етиштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>27.12.2013й</i>	
<i>1.2 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш бўйича илмий ва услубий асослари.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>31.01.2014й</i>	
<i>2.боб Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ҳозирги ҳолати ва тахлили.</i>			
<i>2.1 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигини табиий иқтисодий таъсифи.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>28.02.2014й</i>	
<i>2.2 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасининг ҳолати ва тахлили.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>28.03.2014й</i>	
<i>3. боб Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришнинг иқтисодий самарадорликка таъсири.</i>			
<i>3.1 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришга таъсир этувчи омиллар.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>15.04.2013й</i>	
<i>3.2 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш йўллари.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>30.04.2014й</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>15.05.2014й</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</i>	<i>Кат.ўкт. М.Усманов</i>	<i>30.05.2014й</i>	

Топириқ берилган вақти:

« 3 » сентябр 2013 йил.

БМИ рахбари:

кат. ўқт. М.Усманов.

Битирувчи:

О.Усманов.

Мундарижа.

№	Мазмуни	Бетлар
1.	Топиширик	
2.	Кириш	
3.	1 боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ривожлантириш ва такоминлаштиришнинг илмий-услубий асослари:	
	1.1 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта етиштириш агротехникасини ижтимоий-иқтисодий ахамияти.	
	1.2 Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш бўйича илмий ва услубий асослари.	
4.	2.боб Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ҳозирги ҳолати ва тахлили.	
	2.1 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигини табиий иқтисодий таъсири.	
	2.2 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасининг ҳолати ва тахлили.	
5.	3. боб Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришнинг иқтисодий самарадорликка таъсири.	
	3.1 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришга таъсир этувчи омиллар.	
	3.2 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш йўллари.	
6.	Хулоса ва таклифлар.	
7.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётинининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохатлар қишлоқ хўжалик тармогида ҳам амалга ошириб келинмоқда. Амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохатларни самараси, йилдан йилга тобора ортиб бормоқда. Мустақилликни дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқораларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини эришган натижалар бўйича кўриб олишимиз мумкин.

Биз ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган келажаги буюк давлатни барпо этишда, ижтимоий- иқтисодий юксалишнинг мурракаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поҳона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этиш, юксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устивор вазифаларни белгилаб олиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янги боскичига кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутати.

Ўзбекистон — аграр индустирлашган республика. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ахамияти улкан. Чунки унда республика ички ялпи маҳсулотининг учдан бир қисмига, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизига яқин яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташки бозор талабини ўзгариши экологик талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам тармокни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатларни бозор иқтисодиёти конунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имконига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шакиллариининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатлариининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такоминлаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан техника ютуқларини, янги техникаларни, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчан капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узок муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллариини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унимдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такоминлаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллариини асослаган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларини илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, ҳалқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохатлар ва уларни йўналишлари негизида давлат устиворлиги яққол кўриниб турибди. Чунки бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бориш тамойилларида Давлатни – бош ислохатчи деб белгилаб олинган. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг йўналишлари, аҳамияти ҳамда мазмунини ёритишда Республика Олий Мажлисида қабул қилинган конунларга, Президент фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида айтиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекитон ҳалқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки бу тармоқ аҳолини қишлоқ

хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг эса зарурий хомашёга бўлган талабини кондириб келмоқда.

Ҳозирги давирда аҳоли истемол килаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизига яқини қишлоқ хўжалик тармогида етиштириб келинмоқда.

2013 йили мамлакатимизни ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6.8 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14.8 фоизга етди. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми 10.9 фоизга ўсди. Экспорт ҳажмини ичида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 72 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдога эришилди. Инфляция даражаси 6.8 фоиздан ошмади.

2013-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21.5 фоиздан 20.5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкасининг 9 фоиздан 8 фоизга тушурилди. Давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича профицитга эришилди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,3 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган кенг кўламли изчил ислохотлар натижасида, қисқа даврда вазият бутунлай ўзгарди. Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили мамлакатимизда деҳқончилик тармоқларида маҳсулот етиштириш миқдори кўпайди.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2.3 баробар кўпайди, шундан деҳқончилик маҳсулотлар ишлаб чиқариши 6.4 фоизга (картошка 3.1 маротаба, сабзавот 3.2 маротаба, узум 2 маротаба), ва чорвачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариши 7.4 фоизга (гўшт ва сут 2.1 маротаба, тухум 3.4 маротаба) ўсди.

2013 йилда мураккаб оби-ҳаво шароитида қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулот 6.8 фоизга ўсди, шу йилли ғалла 7800 минг тоннага, пахта

3360 минг тоннага, сабзаёт маҳсулотлари 8400 минг тоннадан ортиқ етиштирилди. Барча тоифадаги ғалла экин майдонининг ҳар бир гектаридан ўртача 44,2 центнердан ва суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 50,7 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда. Жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизига яқини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашмокда. Тармокда маҳсулот етиштириш учун 25.8 млн. га қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмокда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 74.6 фоизини ташкил этади.

Маълумки энг унумдор ерлар суғориладиган ерлардир. Уларнинг 95.1 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинмокда.

Қишлоқ хўжалиги ўз фаолият жараёнида минглаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёкилги, озуқа моддалари ва бошқа воситалардан фойдаланиб, шу тармоқларни ривожланишига кўмаклашиб келмокда. Бу ўз навбатида, маҳсулот етиштириш ҳажмини йил сайин кўпайтириш имконини бермокда. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган истемол маҳсулотлари жон бошига белгиланган тиббиёт меъёрларига нисбатан анча кам. Демак келажакда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун тармоқни модернизациялаштириш, рақобатбардошлигини ошириш ва инвестицияларни киритиш лозим. Бу борада муаян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакиллантирадиган, ҳукукий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохатлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш имкониятини берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, исчил амалга оширилмокда. Бу жараён йил сайин кучайтирилиб борилади. Натижада келажакда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда ривожланиши таъминланади, республика иқтисодиёти юксалади.

Қишлоқ хўжалиги асосий мақсадига эришиши учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади, ишлар, хизматлар бажарилади, улар талабини

кондириш мақсадида тақсимланади, сотилади. Юридик субъектлар орасида кечаётган бу жараён эркин бозор муносабатлари асосида амалга оширилади.

Эркин бозор иқтисодийётига асосланган - иқтисодий муносабатлар тизимини яратишда ҳалқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таъбий, ижтимоий, иқтисодий конунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланишни тақазо этилади. Демак, қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёни ривожлантирилишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш ва уларни ҳаётга жорий этишни тақазо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар натижасида ерлар ўз эгаларига топширилди, хўжаликлар шакли ўзгартирилди, бозор талабларидан келиб чикан ҳолда хўжалик фаолиятлари ихтисослаштирилди, оптималлаштирилди, суғориладиган ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз тамонидан қишлоқ хўжалигида фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар, конунлар, қарорлар ва фармонлар қабул қилинмоқда.

Фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 22 октябрдаги 4478 сонли фармони қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқаришда амалга ошириб келинаётган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хўжаликнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш қувватига боғлиқдир.

Хўжаликни ишлаб чиқариш куввати бевосита уч унсур йигиндисидан ташкил топади; зарурий асосий воситалар тури ва микдорига, айланма фондлар билан таъминланиш даражасига ва меҳнат ресурслар малакасига. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш куввати канчалик кучли бўлса, улар шунчалик иқтисодий жихатдан мустаҳкам, барқарор ривожланган ва бозор иқтисодиёти талабларига чидайдиган рақобатбардош бўладилар. Хўжаликни ишлаб чиқариш куввати ичида ишлаб чиқариш воситалар ёки асосий воситалар юқори салмокни ташкил этади.

Шунинг учун мен Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехикасини такоминлаштиришни иқтисодий самарадорликка таъсири мавзусида битирув малакавий ишимни танлаб олдим.

Битирув малакавий ишим – битирув малакавий ишларини ёзиш бўйича берилган тавсияларга ва хўжалик маълумотларига таъянган ҳолда ёзилган. Битирув малакавий ишимда пахта ишлаб чиқаришда бажариладиган агротехник тадбирларни долзарблиги, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари ёритилган.

Битирув малакавий ишимни вазифаси – фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш амалга оширилиб келинаётган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мавзуимни асосий мақсади ҳисобланади.

Битирув малакавий ишимда:

- фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқаришда амалга ошириб келинаётган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришни такоминлаш хўжаликни иқтисодий самарадорлигига таъсири назарий жиҳатдан асосланди ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришда амалга ошириб келинаётган агротехник тадбирлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликка таъсири ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди;

-фермер хўжаликларда пахта етиштириш агротехникасидан самарали фойдаланиш ҳолати қанчалик хўжаликни иқтисодий самарадорлигига таъсир этишлиги ўрганилди;

-фермер хўжалигида пахта етиштириш агротехникасидан самарали фойдаланиш ҳисобига моддий манфаатдорликни ортиши кўрсатиб ўтилди;

-фермер хўжаликларида пахта етиштириш агротехникасидан самарали фойдаланишда моддий техника таъминотини таъсири юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

-фермер хўжаликларида пахта етиштириш агротехикасини такоминлаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди;

Битирув малакавий ишимни илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-фермер хўжаликлар томонидан пахта ишлаб чиқариш агротехникасидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига хўжаликни иқтисодий самарадорлигини яхшилашга таъсири, назарий жиҳатдан асослаб берилди ва унга таъсир этувчи омиллар таъсифланди;

-фермер хўжаликлар томонидан пахта ишлаб чиқариш агротехикасини иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

-фермер хўжаликларда пахта ишлаб чиқариш агротехикасини модернизациялаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ресурслар билан таъминлаш, таннархни камайтириш механизминини такоминлаштириш бўйича тавсиялар тайёрланди;

-фермер хўжаликларда пахта етиштириш агроехникасини иқтисодий самарадорлигини оширишга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишимни натижаларини илмий ва амалий аҳамияти:

- мавзу бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар хўжаликда пахта етиштириш агротехникасидан кенгрок, тўларок фойдаланиш, маҳсулот миқдори ва сифатини яхшилашга ҳисса қўшганларни моддий манфаатдорлигини ошириш, техника ва технология билан таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишим кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битириб малакавий ишимни кириш қисмида танланган мавзунини бозор иқтисодиёти шароитида долзарблиги, ўрганилган даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва олинган натижаларни назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Битирув малакавий ишимни биринчи боби: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ривожлантириш ва такоминлаштиришнинг илмий-услубий асосларига бағишланган.

Биринчи бобнинг биринчи қисмида: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта етиштиришни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобнинг иккинчи қисмида: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш бўйича илмий ва услубий асослари ёритилган.

Битирув малакавий ишимни иккинчи боби: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ҳозирги ҳолати ва таҳлилига бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи қисмида: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигининг табиий иқтисодий тавсифи ёритилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисмида: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва таҳлили ёритилган.

Битирув малакавий ишимни учинчи боби: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришни иқтисодий самарадорликка таъсирига багишланган.

Учинчи бобнинг биринчи қисмида: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштиришга таъсир этувчи омиллар ёритилган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисмида: Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш йўллари.

Битирув малакавий ишимни якунида хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

1 боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини ривожлантириш ва такоминлаштиришнинг илмий-услубий асослари:

1.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахта етиштириш ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг изчил ўсиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланган.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар стратегиясининг самарадорлиги, инкروزга қарши курашиш борасида тўпланган тажрибалар нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётгани таъкикланди.

Пахтачилик республикамиз деҳқончилик саноати мажмуининг асосий тармоғи бўлиб, мамлакат халқ ҳўжалигининг ижтимоий иқтисодий самарадорлигини оширишда ва тармоқлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Пахта хомашёси ва уни қайта ишлаш натижасида олинадиган бирламчи ва тайёр маҳсулотлар нафақат мамлакатимизни ички бозорини тўлдиришда, балки уларни экспорт қилиш асосида республика бюджетини чет эл валюталари билан тўлдиришда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида» номли асарида пахтачиликни Республика иқтисодиётидаги ўрнига баҳо бериб Шундай ёзади: - «Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган маҳсулот - пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб

берувчисидир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради».

Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик саноати толасининг 51,3 фоизи пахта толасидандир. Колган қисми жун, зиғир толаси, ипак, кимёвий тола ва бошқаларга тўғри келади.

Пахта бебаҳо, универсал ҳом ашё бўлиб, ундан 90 га яқин турли ҳилдаги истъеомол моллари ва техникабоп маҳсулотлар олинади. Бир тонна пахта ҳомашёсидан 320-340 килограмм тола, 560-580 килограмм чигит ишлаб чиқилади. 340 килограмм толадан 3500 метр газмол, 580 килограмм чигитдан эса 112 килограмм ёғ, 10 килограмм совун, 270 килограмм кунжара, 170 килограмм шелуха ва 8 килограмм линт ишлаб чиқилади.

Чигитни қайта ишлаш натижасида олинган шелуха чорва моли учун озука ва техника мақсадлари учун ҳомашё сифатида ишлатилади. Пахтанинг ҳалқ хўжалигида қимматли томони яна шундаки, ундан асалари яхши озиқланади. Бир гектар ердаги ғўза ўсимлигидан асалари 300 килограммгача асал тўплайди.

Пахта тозалаш заводларида дастлабки ишлаш жараёнида чигитдан пахта толаси, (яний унинг узунлиги 20 мм дан ошадиган тола), момик (толасининг узунлиги 20 мм дан қисқа) ва делинт толаси (узунлиги 5 мм дан кам) олинади.

Пахта толаси енгил саноатининг тўқимачилик, трикотаж ва бошқа тармоқларида ишлатилади. Индустриянинг озиқ-овқат, кимё, электротехника, автомобиль саноати каби тармоқлари ҳам пахта тозалаш саноати маҳсулотларидан фойдаланиладилар.

Пахтачиликни корҳоналар иқтисодиётидаги ўрни, унинг чиқиндисиз, кўп турли сердаромад товар маҳсулотлари етиштиришидадир.

Пахта техника экинлари ичида энг кўп фойда берадиган универсал экиндир.

Ўзбекистон Республикасида етиштирилган пахта ҳом-ашёси 20та давлатга экспорт килади.

Ҳозирги вақтда республикадаги йиғирув ва тўқув саноатида фойдаланиладиган хомашёнинг 60%дан ортиғи пахта толасидир. Пахта момигидан ҳам энгил саноатда хомашё сифатида фойдаланилади. Пахта чигитидан ёғ маргарин тайёрлаш учун глицерин, ёғ кислота ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлардан аҳоли учун озиқ-овқат, саноат учун хомашё сифатида фойдаланилади. Кунжарадан чорва моллари учун озиқ сифатида фойдаланиб, унинг таркибидаги гостиполдан эса тиббиётда фойдаланилади.

Пахта чигитидан шелуха ҳам олинади. Ғўза баргидан лимон ва олма кислотаси олинади. Бу кислоталардан озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатида, медицина ва фототехника соҳаларида фойдаланилади. Ғўзапоядан спирт, қурилиш материаллари ва чорва моллари учун озуқа олиш мумкин.

Дунё миқёсида тўқимачилик толалар ишлаб чиқариш ичида пахта улушига 50 фоиздан кўпроғи тўғри келади. Пахтадан асосан, ип йиғирилади, пахта ва момикнинг бир қисмидан тиббиётда, кийим ва мебель ҳозирлаш учун, ҳар хил буюмлар – прокладкалар, филтрлар ва ҳакозолар учун фойдаланилади.

Чигитдан преслаб ёки экстракция қилиб пахта ёғи олинади. Госипол пигменти (захарли модда) пахта ёғининг ўзига хос компоненти ҳисобланади. Госипол ёғка ранг беради ва сифатини белгилайди. Пахта ёғининг кимёвий таркиби ва хусусияти ғўзанинг навиға, Шунингдек уни ўстирилган шароитларға боғлиқдир. Пахта ёғи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида жуда қадирланади, ундан совун пиширада, Шунингдек алиф, лак, эмал ва бошқа хил бўёқлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ҳозирги замон технологияси госиполни ёғдан батомом ажратиб олиш имконини беради. У ва унга ўхшаш бирикмалар кенг қўламли биологик хоссаларға эгадир. Бу бирикмалар иммунитетни сусайиши ҳамда ўзга тўқима организмларнинг битиб кетишни тезлаштириш хусусиятиға эға. Госиполнинг ўзи вирусға қарши актив таъсир кўрсатиш хусусиятиға эға. Госипол ачишға қарши таъсир қилиш хусусиятиға мойил бўлиб унинг баъзи ҳосилалари нефт

махсулотлари, резина буюмлари ва ҳатто озиқ-овқат маҳсулотлари бузилишини олдини олади. Госипол антиполимеризатор сифатида ҳам ишлатилиш мумкин. Госипол смоласининг тузларини ёнғиндан сақловчи коплагичлар сифатида ишлатиш мумкин.

Ѓўза тупидан 100 дан кўпроқ бирикмалар олиш мумкин. Таркибида қарийб 20 ҳил органик кислоталар бўлган ғўза баргларида энг қимматли лимон ва олма кислоталари олса бўлади.

Чорвачиликда ёғ ишлаб чиқариш саноатининг чигит Шулҳаси ва пахта шроти каби жуда майда тўйимли озиқ бўладиган чигитларидан кенг фойдаланилмоқда. Ѓўза шротидан фитин ва озиқ-овқат оксиди ажратилади. Уни нон ёпишда унга қўшиш, бошқа озиқбоп маҳсулотларни бойитиш ўриндоши сифатида фойдаланиш мумкин.

Пахта шўлҳасидан гидролиз саноатида ҳам кенг фойдаланилса бўлади. Унинг 1 тоннасидан 85 литр спирт, 300 килограмм лигнолит (қурилиш плиталари), қарийб 28 килограмм карбон кислотаси, 20 килограмм сирка кислотаси ва бир қатор бошқа моддалар олинади.

Ѓўзапаялар целлюлоза ишлаб чиқариш учун присланган қоғоз ва картон тайёрлаш учун ҳам ашё ҳисобланади. У қурилиш материаллари сифатида ҳам диққатга сазовордир. Ѓўзапаядан ва ёғоч ишлаш чиқитларидан (боғловчи қўшилмаларсиз, иссиқ преслаш методи билан) лигнелуглеводли пластиклар ишлаб чиқарилади. Бундай плитали материаллар оддий усулда тайёрланиши ва арзон тушуши жиҳатидан ажралиб туради. Улардан қурилиш ишларида ҳамда мебел ясашда фойдаланиш мумкин. Бундай материаллар ёғоч-пайраҳали ва бошқа ҳил плиталарнинг ўрнини босади.

Ѓўзапаядан ҳозирги кунда ўтин сифатида фойдаланиб келинмоқда. Аммо ғўзапаяни майдалаш ва уни оксидга боитиш орқали чорвачиликда фойдаланиш мумкин. Моллар озиғига 1 тонна фермертлашган ғўзапая қўшилса молнинг тирик вазнини қўшимча равишда 50-60 килограммга оширишга эришилади.

Ѓўзапаялардан тегишли термик ишловдан кейин нефт олиш мумкин.

Кўсак тозалаш машинасидан ўтказилган пўчокдан диабет касалига чалинганлар учун ксилит-қандсимон мода ишлаб чиқарилади. Пахта тозалаш саноати чиқитларидан жуда кўп миқдорда лиглин олиш мумкин. Лиглин тупроқ унумдорлигини яхшилайдди. Лиглинни амонизациялашган усули ишлаб чиқилган. Пахта толаси ва ғўзапаядан тайёрланган маҳсулотлар Ўзбекистонни халқоро савдосида ҳам катта рол ўйнайдди. Ўзбекистон 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларга пахта экспорт қилади.

Пахта етиштириш зарурияти, ғўзадан олинадиган асосий ва қўшимча маҳсулот ҳажми билан, тола чиқиш дарожаси билан, бир бирликни сотиш нархи билан, ундаги моддий манфаотдорлиги билан ўлчанилади. Ҳозирги кунда бир гектар пахта майдонидан ўртача 35 центнердан ҳосил, 700 воғдан ғўзапая ва 150 килограммгача асал олиш мумкин. 2012 йилли 5чи типдаги 1 центнер пахтани 1чи навига қабул қилиш нархи 87662 сўмга, харојати 58032 сўмга, фойда 29630 сўмга ва рентабеллик 33,8 фоизга етмоқда. Бир гектар ҳисобига 3 миллион сўмга яқин даромад ва 1миллион сўмга яқин фойда олиш мумкин.

1.2 Иқтисодий эркинлаштириш шароитида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш бўйича илмий ва услубий асослари.

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири пахтачилик самарадорлигини ошириш бўлиб, бунга ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг ташқи ҳамда ички бозорда рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир. Шу туфайли пахтани етиштириш агротехникасини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Пахта етиштириш агротехникасини иқтисодий аҳамияти - эрта ҳосилга кириши билан; олинадиган асосий ва қўшимча маҳсулот тури ҳамда ҳажми билан; пахта хом-ашёсини сифати билан; меҳнат ва маблағни тежаш имконияти билан ўлчанилади; тола чиқиш даражаси, бир бирлик маҳсулот сотиш баҳоси, пахта етиштиришдаги моддий манфаотдорлиги билан ўлчанилади.

Пахта етиштириш агротехникасини амалга ошириш зарурияти - меҳнат жараёнини ўз вақтида, белгиланган муддатда ва сифатли бажариш имконияти билан; ғўзани тезкор ривожланиб бориши билан; касаллик билан зарарланиш ҳамда хашорат ва зараркунандалар тушуш даражаси билан ўлчанилади.

Ќўза ўсимлиги техник экинлар ичида энг қимматли ҳисобланади. Бу ўсимлик асосан тола учун экилади ва ўстирилади. Умуман, пахта хомашёси ва ғўза ўсимлигининг турли қисмлари халқ хўжалиги учун қимматли хом ашё манбаи ҳисобланади. Пахта толасини ўзига ҳос ҳусусиятидан бири, бу уни бошқа табиий ва сунъий толалардан фаркланишидадир. Шунинг учун ҳам пахта толасидан таёрланадиган маҳсулотлар ҳаво ўтказиш, нам тортиш хусусиятига эга.

Ҳозирги кунда пахтачилик тармоғини замонавийлаштириш зарур. Бунинг учун пахтачилик тармоғида меҳнат маданиятини ошириш, зарурий

миқдорда, юқори кувватга эга бўлган трактор ва тиркалма агрегатларга эга бўлиш, кимёвий воситалардан талаб дароҳасида фойдаланиш, аъзоларни малакасини ошириш зарур. Бу тадбирларни амалга ошириш учун улкан сармоя қўйилмаларини талаб этади. Сармоя билан таъминлаш пахта ҳосилдорлигини ошириш, ялпи ҳосилни етиштириш даражасини сақлаб қолиш ва республиканинг ҳалқаро пахта бозоридаги етакчи ўрнини мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Пахтачилик тармоғи Республика учун стратегик тармок ҳисобланиб, у етарли даражада ривожлантирилса, ўсимликчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги ва мамлакат иқтисодиёти учун таянч бўлиб хизмат қилади. Бирок, бунинг учун авваламбор, йирик сармоялар ва бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарур.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш эса бундай молиявий қўйилмалар учун замин яратади. Қишлоқ хўжалиги ва хусусан, пахтачиликдаги биринчи инвестиция лойиҳаси Жаҳон банкининг пахта лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳа Республика иқтисодиёти учун ўта муҳимдир.

Лойиҳанинг мақсади пахта ва донга давлат томонидан буюртма беришдан аста-секин воз кечиш, экспорт имкониятларини ошириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш, пахта толасининг мавжуд бозор нархларини жаҳон нархларига мослаштириш, экин уруғларини тайёрлаш базасини яратиш, ўсимликларни суғориш ва ҳимоялаш соҳасида атроф муҳитни соғломлаштиришга қаратилган янги технологияларни ривожлантириш ва жорий қилишни назарда тутадиган қишлоқ хўжалиги секторида ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари асосан гўза селекцияси ва уруғчилигига, илмий асосланган парваришлаш технологияси агротадбирларига, пахта териш механизмлари ва технологиясига, пахта тозалаш саноатида пахтани қабул қилиш, сақлаш ва унга дастлабки ишлов бериш шарт-шароитларига ўта боғлиқдир.

Пахтачиликнинг асосий вазифаси бу пахта толасини лозим бўлган ҳажмда ва тўқимачилик саноати учун зарур бўлган тип ва саноат навлари бўйича етиштиришдир. Ҳозирги пайтда пахтани қайта ишлаш саноати олдида жаҳон бозорига чиқиш билан боғлиқ улкан истикболлар очилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг пахта толасини сотиш ва тасарруф этиш тартиби тубдан ўзгарди.

Биринчидан, мустақил равишда жаҳон бозорига чиқиш амалага оширилмоқда.

Иккинчидан, жаҳон амалиётида қабул қилинган тасарруф этиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сотиладиган толанинг сифат кўрсаткичларини баҳолашга янгича ёндошила бошланди.

Пахта толаси ҳозирги кунда валюта тушумининг жиддий манбаларидан биридир. Шунини ҳисобга олиб, Ўзбек пахтаси рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорида муносиб мавқега эга бўлишини таъминлаш учун маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Пахта ҳосилининг умумий ҳажмини камайтирмаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига чигит экиладиган майдонларни имкон қадар камайтириб бориб, суғориладиган ерларни бошоқли дон, мева-сабзавот, чорва озукаси учун бўшатиб бериш жараёни давом этаяпти. Пахтачилик ривожини кўзланган юқори даражага етказиш учун замонавий юқори қувватга эга бўлган, камров кенгиги кенг бўлган техника ва тиркалма агрегатлардан ҳамда илгор технологиялардан фойдаланиш, шу жумладан, чигитни плёнка остига экиш усули қўллаш, серҳосил ва эртапишар пахта навларини яратиш, кенг каторли автоматизациялашган сеялкалардан фойдаланиш, 90ли кўш-катор схемада экиш, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш, ўғитлаш тизимини ва мутоносиблигини ўзгартириш, ўзгартириш, хашорат ва зараркунандаларга ишлов бериш, хорижий давлатларда экилаётган навларни республикамиз шароитида синаб кўриш юзасидан кенг қўламдаги ишлар шулар жумласидандир.

Меҳнат унумдорлиги ўсишининг объектив имкониятларини амалга оширишда хўжалик ҳисоби механизми асосий ролни бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, одамлар ҳаётининг моддий ва маънавий даражасини ошириш учун иқтисодиётда туб ўзгаришлар юз беради. Бундай мақсадга эришиш учун, авваламбор, меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда жуда кўп моддий-техник муаммоларни ҳал этиш зарур. Бу муаммоларнинг ечимида ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўсиши асосий ўринни эгаллайди.

Учинчидан, меҳнат унумдорлигининг юқори даражада ўсиши одамлар учун зарур бўлган бўш вақтни кўпайишига, кўшимча иш жойини ташкил этишга имконият яратиб, маънавий ривожланиш ва яшаш даражасини ўсишига олиб келади.

Республикамизда, пахтанинг эртапишар навлар экиладиган майдонлар ўтган йиллардагига нисбатан икки баробар кенгайтирилди. Бунинг афзаликлари шундаки;

-биринчидан, ҳосил барвақт етилади;

- иккинчидан, пахтадан бўшаган ерга қулай муддатда ғалла экиш мумкин.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пахта етиштиришдаги агротехник ишларни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш усуллариини такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш, гектарчилик фаолиятни (оилавий, индивидуал ва ижарани) кенг жорий этиш учун энг аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сифат жиҳатдан янги асосга кўчириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқан ҳолда пахта етиштириш сифатини ошириш ва йўқатишларни олдини олиш аҳамияти ва зарурияти канчалик улкан эканлигини кўриб олишимиз мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда

пахта етиштириш сифатини ошириш ва йўқатишларни олдини олиш мақсадида қўйдагиларни амалга ошириш зарур;

-ерларнинг тупроқ унимдорлигидан келиб чиқан ҳолда гўза навини таллаб олиш;

-чигитни плёнка остига экишни жорий этиш;

-пахта етиштириш агротехникасига амал қилиш;

-пахта йигим - терим конун қоидаларига амал қилиш;

-хўл пахтани тозалаб ва қуришиб сотишга эътибор бериш;

-пахта хом-ашёсини таъшиш қоидаларга риоя этиш.

Ҳозирги кунда Республика пахтачилик хўжаликлари учун қўйдаги истиқболли навларни экиш тавсия этилган; Султан, Андижон-35, Андижон-36, Бухоро-6, Оққўрғон-2, Хоразим-127, Омад, Оқдарё-6, Термез-31, С-6524, С-2609, Қарши-8, Наманган-77.

Ўзбекистон олимлари тамонидан пахта етиштириш агротехникаси ва унинг аҳамияти ҳақида қўйдаги фикрлар билдирилган:

*Профессор Г Миркаримов. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштирилиши ва ихтисослаштирилиши мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун катта имконият очиб бермоқда, бу ўз навбатида хўжаликлар ва бўлинмаларни йириклашиб боришини тақозо этади.

Йирик қишлоқ хўжалик қорхоналари майда хўжаликларга қараганда ғоят катта авзалликларга эга. Йирик хўжаликларнинг нақадар авзал эканлиги..... томонидан равшан исбот этиб берилган эди. Йирик қишлоқ хўжалик қорхоналари замонавий машина ва қуроллардан, илғор агротехника ютуқларидан кенг фойдаланиб катта-катта майдонларда меҳнат унимдорлигини мисли қўрилмаган даражада юксалтиришга қодирдир” деб ёзиб ўтган. (Г. Миркаримов. Қишлоқ хўжалик қорхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш. Дарслик. Т. Ўқитувчи. 1990 й 46 бет).

*География фанлари кандидати А.Рўзиев. “Пахта етиштириш цикли – чигит экиб, ҳосил йигиштириб олгунга қадар бўлган жараёни ўз ичига

	-фойда	м.сўм	344	436	530	+186
12	Рентабеллик	%	11.4	12.5	13.4	+2.0

Уч йил ичида хўжаликни пахта экин майдони 6.2 гектарга, хосилдорлик даражаси 1.3 центнерга ва ялпи ҳосил миқдори 248 центнерга купайган. Хўжаликда пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар уч йил

ичида 22714 минг сўмга, иш ҳақи сарфи 8795 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 26966 минг сўмга ва фойда олиш 4252 минг сўмга купайган. Шу давр ичида бир центнер пахта таннархи 6060 сўмга, бир центнер пахтани сотиш баҳоси 8202 сўмга кўпайди.

Уч йил ичида бир гектар пахта экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 284 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 362 минг сўмга, олинган фойда 78 минг сўмга кўпайган. Пахта етиштиришда ишловчи бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони 0.22 гектарга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 1124 минг сўмга, сарфланган иш ҳақи харажатлари 224 минг сўмга ва фойда олиш 186 минг кўпайган.

Бу ўз навбатида пахта етиштириш бўйича рентабеллик кўрсаткичини 11.4 фоиздан 13.4 фоизга кўпайишига олиб келди. Лекин, фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича эришилган рентабеллик даражаси хали оптимал даражадан анча паст бўлиб уни камида 30-35 фоизга етказиш лозим.

“Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалигинида пахта етиштириш учун сарифланган харажатлар ва уларни таркибини кўриб чикадиган бўлсак куйдагиларни аниклаб оламиз.

-жадвал

Бешарик туманидаги “Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларни таркиби (м сўм)

т/р	Харажат тури	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		Қий-мат	Сал-моги	Қий-мат	Сал-моги	Қий-мат	Сал-моги
1	Мод. харажатлар	28474	47,1	34812	47,5	39656	47,7
	-уруғлик	3927	6.5	4617	6.3	5321	6.4
	-ўғитлар	10272	17,0	12606	17,2	14715	17,7
	-ёнилги	4169	6,9	5203	7,1	5986	7,2
	-иш ва хизматлар	8278	13,7	10334	14,1	12221	14,7
	-бошка мод.хар.	1828	3,0	2052	2,8	1413	1,7
2	Иш ҳақи хар-лари	21208	35,1	26311	35,9	30003	36,1
3	Ижт.ажратмалар	5302	8,8	6578	9,0	7501	9,0
4	Амортизация	2477	4,1	2932	4,0	3242	3.9
5	Бошка харажатлар	2961	4,9	2657	3,6	2734	3,3
	Жами	60422	100	73290	100	83136	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги 3 йилда фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарифланган жами харажат сарфи ошиб борганлиги билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан пахта етиштириш бўйича сарифланган харажатларни салмоги бўйича кўриб чиқадиган бўлсак моддий харажатлар, иш ҳақи тўлаш харажати, амортизация харажатлари, ижтимоий ажратмалар ва бошқа харажатларни кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин. Бу салбий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Сабаби харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигини оширишга ва экин майдонини кўпайиши билан боғлиқ харажатлар киради.

“Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалиги 2013 йили 36,5 гектар пахта экин майдонидан етиштирган 1230 центнерли ялпи ҳосил етиштириш учун жами 83136 минг сўмлик харажат сарфлаган. Шундан моддий харажатлар 53041 минг сўмни, иш ҳақи 17458 минг сўмни, ижтимоий ажратмалар 4074 минг сўмни, асосий воситаларни амортизация ажратмаси 3243 минг сўмни ва бошқа харажатлар 5320 минг сўмни ташкил этган. Моддий харажатлар ичида уруғлик сарфи 5321 минг сўмни, ўғит сарфи 20950 минг сўмни, ёнилғи мойлаш материаллар сарфи 5986 минг сўмни, иш ва хизматлар 19371 минг сўмни ва бошқа моддий харажатлар 1413 минг сўмни ташкил этган. Бир центнер пахта таннари 2013 йили 67590 сўмни ташкил этди.

Бешарик тумани “Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалигинида пахта етиштириш учун сарифланган харажатлар ичида моддий харажатлар 14432 минг сўмга, иш ҳақи 5313 минг сўмга, ижтимоий ажратмалар 1113 минг сўмга, асосий воситаларни амортизацияси 887 минг сўмга ва бошқа харажатлар 1091 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин. Моддий харажатлар ичида уруғлик харажати 1394 минг сўмга, ўғит харажати 5965 минг сўмга, иш ва хизматлар 5051 минг сўмга ва

бошка моддий харажатлар 205 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

-жадвал

Бешариқ тумани “Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер
хўжалигинида давлатга пахта сотиш кўрсаткичлари.

т/ р	Саноат навнинг синфи	1-нав миқд/сал- моғи	2-нав миқд/сал- моғи	3-нав миқд/сал- моғи	4-нав миқд/сал- моғи	5-нав миқд/са л-моғи
2011 йилда (давлатга 982 ц пахта сотилди), шундан:						
1	1-синфга	923/94	20 /2,0	39/4,0	-	-
2	2-синфга	-	-	-	-	-
3	3-синфга	-	-	-	-	-
	Жами	923/94	20 /2,0	39/4,0	-	-
2012 йилда (давлатга 1165 ц пахта сотилди), шундан:						
1	1-синфга	1107/95,0	58/5,0	-	-	-
2	2-синфга	-	-	-	-	-
3	3-синфга	-	-	-	-	-
	Жами	1107/95,0	58/5,0	-	-	-
2013 йилда (давлатга 1230 ц пахта сотилди), шундан:						
1	1-синфга	1205/98.0	25/2.0	-	-	-
2	2-синфга	-	-	-	-	-
3	3-синфга	-	-	-	-	-
	Жами	1205/98.0	25/2.0	-	-	-

Бешариқ тумани “Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалигини пахта сотиш кўрсаткичини кўриб чиқадиған бўлсак қуйдагини аниқлаб оламиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибтики охириги 3 йилда фермер хўжалигининг тайёрланган жами пахта хомашёсида биринчи саноат навнинг хиссаси 94.0 фоиздан 98.0 фоизга кўтарилганлигини, иккинчи навнинг хиссаси 2.0 фоиз даражасида қолган, Фермер хўжалигини 2013 йилда етиштирилган пахта хомашёсининг сифати кескин яхшиланганлигини билдиради. Пахта ҳомашёсининг сифатини яхшиланиши уни рақобатбардўшлигини оширишни икки асосий омилнинг бири бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини яхшиланиши кўп жихатдан уни сотилаётган пахта хомашёси сифатини яхшиланганлиги билан боғлиқдир. Бу соҳада

хўжаликнинг фойдаланилмаётган имкониятлари мавжуд бўлиб. У пахта хом ашёсини тулалигича биринчи саноат навининг биринчи синфига сотилишини йўлга қўйиш лозим.

-жадвал

Бешариқ тумани “Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалиги билан Бешариқ тумани буйича ўртача пахта етиштиришни солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	Бешариқ тумани	“Мадаминов Дониёрбек Пирматович”ф/х	Фарқи +,-
1.	Экин майдони	га	5210	36,5	X
2.	Хосилдорлик	ц	31,2	33,7	+2,5
3.	Ялпи хосил	ц	162552	1230	X
4.	Харажатлар	м.сўм	11327436	83136	X
	-Иш ҳақи	м. сўм	2038938	17458	X
5.	Ялпи маҳсулот	м.сўм	12335583	94276	X
6.	Фойда	м.сўм	1008147	11140	X
7.	Бир центнер				
	- таннарҳи	сўм	69685	67590	-2095
	- сотиш баҳоси	сўм	75887	76647	+760
8.	Бир гектар хисобига				
	-харажат	м.сўм	2174	2278	+104
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2367	2583	+216
	-фойда	м.сўм	193	305	+112
9.	Рентабеллик	%	8,9	13.4	+4,5

“Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалигида пахта етиштиришни иқтисодий кўрсаткичларини Бешариқ туманидаги ўртача кўрсаткичлари билан таккослаш натижасида хўжаликдаги пахта таннарҳи туман буйича ўртача пахта таннарҳи билан солиштириш натижасида 2095 сўмга камайганлиги ва сотиш баҳоси 760 сўмга ортганлиги аникланди. Шу билан биргаликда бир гектар пахта майдони хисобига сарифланган харажатлар 104 минг сўмга, ялпи маҳсулот 216 минг сўмга, фойда олиш 112 минг сўмга ва рентабеллик 4.5 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

**3. боб Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер
хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини
такоминлаштиришни иқтисодий самарадорликка таъсири.**

**3.1 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер
хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини
такоминлаштиришга таъсир этувчи омиллар.**

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги юз берган муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2013 йилда юқори ва барқарор ўсиш суратларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиблик таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янги техника ва технологиялар тез суръатларда тадбиқ этилмоқда. Ушбу янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалиги ва унинг ички тармоги ҳисобланган пахтачилик тармоги ўзига хос ҳисса кўшиб келмоқда.

Ер тўғри ишлов берилса, чигит барвақт униб чиқади, ўсимлик жуда яхши ўсади ва ривожланади.

Экишгача бўлган даврда (кўзги шудгорлаш ва экиш олдида ишлаш даври) ерни ишлашга қўйиладиган асосий талаблар тупроқни юмшатиш, яхшилаб донатор қилиш, экиннинг ўсув даврида зичлашиб қолган ҳайдалма қатламнинг бор бўйича майда тупроқ агрегатларига бўлиб юбориш, бегона ўт уруғи ва қолдиқларини, зарарқунанда ҳамда касаллик кўзгатувчиларни йўқотиш, ёғин-сочин сувини тўплаш ва сақлаш, фойдали микроорганизмлар фаолиятини кучайтиришдан иборатдир.

Ерни ишлаш хўжаликнинг, ҳатто, айрим даланинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб қатъий табақалаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга барча агротехник жараёларини сифатли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Пахта ҳосилининг умумий ҳажмини камайтирмаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига чигит экиладиган майдонларни имкон қадар камайтириб

бориб, суғориладиган ерларни бошоқли дон, мева-сабзавот, чорва озукиси учун бўшатиб бериш жараёни давом этаяпти.

Пахтачилик ривожини кўзланган юқори даражага етказиш учун замонавий агротехникани кўллашни, шу жумладан чигитни плёнка остига экишни, серҳосил ва эртапишар пахта навларини яратиш, хорижий давлатларда кўлланилаётган агротехникани республикамизда кенг қўлашни тақазо этмокда. Демак пахта етиштириш ва ундан мўл кўл хосил олиш учун пахта етиштириш агротехникаси хал килувчи ахамиятга эга.

Маҳсулот етиштириш агротехникаси (технологияси) – бу маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида кетма-кет бажариб келинаётган ва бир-бирини тўлдириб турувчи меҳнат жараёнлар мажмуйига айтилади. Маҳсулот етиштиришда бажарилаётган меҳнат жараёнлар кўл кучи ёки механизация воситалар ёрдамида бажарилади.

Маҳсулот етиштириш агротехникаси бир-бири билан нақадар меҳнатни бажариш усули, балки бажариш муддати ва такрорланиши (маротабаси) билан ҳам фаркланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжаликлари тамонидан етиштириб келинаётган пахта агротехникасига таъбiiй, иқтисодiiй, техник ва ташкилий ҳамда экологик омиллар ўз таъсирини кўрсатиб келмокда.

Пахта етиштириш агротехникасига таъсир этувчи омиллар.

Таъбiiй омиллар.

-иқлимни совуб ёки

иссиб кетиши;

-сув билан таъминла

ниш даражаси;

-тупрокнинг ҳолати(тошлоқ, кумоқ, арзик...)

-сув ва шамол эроҳзияси;

-сизот сувларни яқин жойланиши.

Иқтисодий омиллар.

- агротехник тадбирларни режалаштириш;
- зарурий хомашё харид қилишда маблағ билан таъминлаш,
- аъзоларни ўз вақтида иш
ҳақи билан таъминлаш,
- агротехник тадбирни долизарб даврида ишчиларни манфаатдорли
гини ошириш.

Техник омиллар.

- зарурий тухника билан таъминлаш,
- ишчи органларни созлаш,
- теъника тезлигига амал қилиш,
- трактор ва агрегатни мутаносибдигини таъминлаш,
- трактор куввати билан қамров кенглигини
мослпш.

Ташкилий омиллар.

- ишчи ва меҳпгизаторларга ўз вақтида зарурий топширикларни бериш;
- агротехик топширикларни
бажариш учун ишчи ва техникани мутаносиблигини таъминлаш;
- агротехик топширикларни
бажарилишини назорат қилиш,.

Экологик омиллар.

- экинларни ўғитлашда, меъёрдан ортиб кетишига йшл кўймаслик;
- химикатлардан фойдаланишда оптимал миқдор ва муддатларини аниклаб
олган холда кўллаш;
- химикатлардан фойдаланишда атроф мухитга таъсирини камайтириш.

Пахта етиштириш агротехникасига таъсир этувчи омиллар.



Пахта ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан ўз вақтида ва сифатли бажарилган агротехник тадбирларга боғлиқ. Агротехник тадбирлар зарурий манбалар билан етарли даражада таъминланса ва ўз вақтида ва сифатли бажарилса маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлиги ортади ҳамда маҳсулот таннарни камаяди, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда агротехник тадбирлар «ортиқча» ва сифатли бажарилмаса ўз вақтида ва сифатли бажарилмаса пировард натижада ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

“Мадаминов Дониёрбек Пирматович” фермер хўжалиги пахта етиштириш агротехикасига таъсир эътувчи омилларга етарлича эътибор берилса, хўжаликда меҳнат маданияти, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати яхшиланади.

3.2 Бешарик туманидаги Мадаминов Дониёржон Пирматович фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш агротехникасини такоминлаштириш йўллари.

Молиявий-иқтисодий инқрознинг белги-аломатлари ўтган асирнинг сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида пайдо бўлган турли номутаносибликлар, хусусан, реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йилларда жахон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муоммалар Ўзбекистон иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Бу энг аввало мамлакатимиз иқтисодиётига жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий- иқтисодий инқирозни олдини олиш бўйича зарурий чора ва тадбирларни қўллашни таказо этмокда.

Фермер хўжаликларни иқтисодий самарадорлигини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш агротехникаси муҳим рол уйнайди. Фермер хўжаликларининг бир маромда фаолият кўрсатиши учун ерни шудгорлаш, экишга тайёрлаш, экинларга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни ўриб йиғиб олиш ва уни ташиш учун йўк деганда 1та хайдов, 1та чопик ва 1та транспорт тракторлари ва керакли тиркалма агрегатлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агротехникасини амалга оширишда техник воситалар катта ёрдам беришлари мумкин.

Фермер хўжаликларида мавжуд бўлган тракторлар ва тиркалма агрегатлар хўжаликнинг табиий, ишлаб чиқариш шароитларига ва хўжаликни ихтисослашувига мос келиши керак. Факат шундагина мавжуд техника ва тиркалма агрегатлардан йил давомида бир меъёردа фойдаланиш ва уларнинг иш унумдорлигини ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлар тамонидан пахта етиштиришда фойдаланиб келинаётган агротехник тадбирларни 60га яқин турлари мавжуд. Пахта етиштириш бўйича белгиланган барча агротехник тадбирларни

хўжалик ўзининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак. Аммо мавжуд объектив ва субъектив омиллар таъсири натижасида пахта етиштириш тадбирлари хўжалик ҳисобидан ва инфратузилмаларни хизмати ҳисобига бажариб келинмоқда. Пахта етиштириш агротеникасини 60 фоизига якин бўлган ишлар хўжалик ҳисобидан ва қолган 40 фоизи турли ташкилотлар ҳисобидан бажариб келинмоқда.

Бешарик туманидаги “Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалиги тамонидан пахта етиштириш бўйича бажариладиган агротехник тадбирларни қуйдаги йўллар билан такоминлаштириш мумкин.

1. Қўл қучи ҳисобида бажариладиган ишларни механизация ёрдамида бажариш.
2. Пахта етиштиришдаги механизация ишлар сифатини яхшилаш ҳисобига агротехник тадбирларни бажариш маротабасини камайтириш.
3. Пахта етиштиришдаги айрим агротехник тадбирларни биргаликда бажариш.

“Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалиги тамонидан пахта етиштириш бўйича бажариладиган агротехник тадбирларни механизация ёрдамида бажарилса;

-агротехник тадбирни бажариш муддати қисқаради;

-механизациялашган даражаси ортади;

-меҳнат маданияти яхшиланади;

- иш ҳақи харажати тежалади.

“Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалиги тамонидан пахта етиштиришдаги механизация ишлар сифатини яхшилаш ҳисобига келгусида бажариладиган ишларни бажариш анча осонлашади (1чи культивацияни 1чи тезликда, созланган ҳолда бажарилса, келгусида механизация ишларни бажариш ҳамда сув қўйиш ишлари анча сифатли бариши мумкин.

“Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалиги тамонидан пахта етиштиришдаги айрим агротехник тадбирлар биргаликда бажарилса (ёқишни ўғит солиш билан, ўғитлашни сув қўйиш билан; культивацияни ўғитлаш билан, культивацияни қурук ағат олиш билан, яғаналашни чопик

билан, чопикни ўташ билан) хисобига, агротехник тадбирлар сонини камайтириш, сифатини яхшилаш, иш ҳакини тежаш имконига эга бўлади.

Фермер хўжаликларининг бундан буён барқарор суъратлари билан ривожланиб боришига шарт-шароитлар яратиш учун республика миқёсида уларни техник воситалари билан таъминлаш борасида йирик тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда энг аввало республиканинг ички имкониятларига таянган ҳолда, юқори қувватга эга бўлган тракторлар ва тиркалма машиналарни кўпайтириш долзарб масалага айланмоқда.

Фермер хўжалиги тамонидан пахта етиштиришда фойдаланиладиган техника ва агрегатларни кўпайтириш хисобига агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, сифатини ошириш, ишни бажариш учун сарифланадиган вақтни тежаш, иш ҳақи харажатини камайтириш имконига эга бўлади.

Хўжаликни зарурий воситалар билан таъминлашда Давлатимиз тамонидан ишлаб чиқарилган маҳсус тизим амал қилмоқда. Бу тизимда нечта турдаги воситалар ишлаб чиқариш лозимлиги, нечтаси синовда ва канчаси хориждан олиб келиш кераклиги белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келувчи техника ва тиркалма агрегатларни харид нархлари йилдан – йилга ортиб бормоқда. Хўжаликларни молиявий кийинчилик даврида зарурий техникалар билан таъминлаш имконини берувчи истиқболли йўналишлардан бири бу лизингдан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида” ги қонунга мувофиқ: “Лизинг - ижара муносабатларини алоҳида бир тури бўлиб, у бир тараф иккинчи тарафнинг топшириғига биноан учинчи тарафдан ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни олади”.

Лизинг кўринишда техникадан фойдаланиш ўзига хос авзалликларга эга.

Фермер хўжаликлар орасида техникадан “Лизинг” кўринишида фойдаланиш бўйича етарли тажрибалар тўплангани йўқ. Аммо, фермер

хўжаликларнинг ривожланиб бориши билан яқин келажакда улар орасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб бориши кутилади. Шунинг учун ҳисобга оладиган бўлсак, фермер хўжаликларининг техника воситаларига бўладиган талабларини қондиришда бундай ҳамкорлик энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларининг асосий воситалар билан ўз вақтида таъминлашга энг кўп тўсиқ муаммоларидан бири бунинг учун зарур бўлган маблағларнинг етишмаслигидир.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва дон етиштириб келатган фермер хўжаликлари, етиштириладиган ҳосилни 50 фоиз қиймати доирасида, махсус жамғармадан қарз аванс олишлари мумкин. Бунинг ижодий томони шундаки, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш учун зарур бўладиган маблағларни юқори фоиз ставкаларида тижорат банкларида қарзга олишга мажбур бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида 2002 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларга транш орқали бўнак бериш тартиби бекор қилиниб “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан тижорат банклари қисқа муддатли имтиёзли кредит бериш тартиби жорий этилди.

Бунда кредитлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давомийлиги муддатида, тегишли маҳсулотлар учун давлат тамонидан якуний ҳисоб китоблар амалга оширилгунга қадар, аммо 18 ойдан ортиқ бўлмаган муддат билан давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг 50 фоизи миқдорида берилади. Кредит ҳисобидан хомашё сотиб олиш ва хизмат тўловларини амалга оширишга рухсат берилган (...ёнилги мойлаш материалларини сотиб олиш, бажарилган механизация иш-хизматлари учун ҳисоб китоб қилиш, зарурий техник ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш хизматлари учун....).

Фермер хўжаликларининг асосий воситалар билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари куйдагилардан иборат бўлиш мумкин;

-моддий-техника ресурсларини молиялаштиришнинг замонавий бозор иқтисодиётига мос келувчи турли шакллари (лизинг, факторинг, вексел, товар кредити, фьючерс, овердрафт, ва бошқа) вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланиш;

-моддий техника ресурслар баҳоларини давлат тамонидан тартибга солиш;

-фермерларнинг қишлоқ хўжалик техникалари ва машиналаридан ҳамкорликда (кооперация асосида) фойдаланиши;

-асосий воситалардан оқилона, самарали фойдаланиш, чикимсиз ва ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш;

-ишлаб чиқаришни тўлиқ бандлик ва тўлиқ ҳажимли ишлаб чиқариш тамойиллари асосида ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришга интенсив технологиялар тизимини жорий этиш.

Пахта етиштириш агротехникасини такоминлашиб боришига, пахтачиликда қўлланилаётган янги технологияларни куллаш ижобий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Хозирги кунда пахтачиликда чигитни плёнка остига экиш, гўзани ўғитлаш ва гўза касалликларига ҳамда хашаратларга қарши курашиш тизимини такоминлашиб бормоқда. Бу ўз навбатида агротехник тадбирларни такоминлашиб боришига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатимизда эришилган ютуқлар иқтисодиётни ривожланишига олиб келмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш учун соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳар томонлама таҳлил этиб боришни таказо этмоқда. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун устивор йўналишлар ва дастурий вазифалар қабул қилинган. Ҳукумат, вазирликлар устивор тармоқларни аниқлаш, табиий хом ашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришни, айниқса, қайта ишлаш тармоқларни, хизмат соҳаларни, инфратузилмаларни жадал ва мутаносиб ривожлантириш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бозор иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, девирсификациялаштириш ҳамда ракобатбардошлигини ошириш зарур.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш агротехникаси ва уни тақоминлашиб бориш даражасига боғлиқ.

Айниқса пахта етиштириш агротехникасини тақоминлаштириш ҳисобига пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин.

Пахта етиштириш агротехникасини тақоминлаштириш ва ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда асосий воситаларнинг «ортиқчалиги» ва тўғри фойдаланмаслик, пировард натижада ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Пахта етиштириш агротехникасини тақоминлаштириш учун қуйдагиларга эътибор бериш керак.

- 1.Талаб даражасида асосий воситаларга эга бўлиш учун молиялаштиришни лизинг ва кредит усулларида кенг фойдаланишга.
- 2.Агротехник тадбирларни белгилашда табиий, шарт-шароитларни инобатга олишга.
- 3.Пахта ишлаб чиқариш агротехникаси бўйича яратилган янги технологияларни жорий этиш.
- 4.Пахтачилик агротехникасини амалга оширишда техникалардан ҳамкорликда фойдаланиш.
5. Хўжаликни ихтисосланишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш воситаларни харид қилиш.
6. Асосий воситаларни харид қилишда воситаларни қувватига, имкониятига, ёнилғи сарфига, хизмат муддатига, қўлланиб келинаётган технологияга эътибор қилиш керак.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан фермер хўжаликлар тамонидан бажарилаётган агротехник тадбирларга боғлиқ. Агротехник тадбирлар қишлоқ хўжалигини механизация даражасини оширишга, қўл кучи талабини камайтиришга, иш ҳақи харажатларни пасайтиришга, белгиланган агротехник ишларни ўз вақтида бажаришга, катта майдонларда ишни бажаришга, экинларни тез ривожланишига, экинларга тушадиган ҳашоратларни ва қасаллиқларни тезкор бартараф этиш имконини беради. Шу билан биргаликда агротехник тадбирларни бажариш имкониятлари чекланган, вақтинчалик молиявий қийинчиликларни сезиб келаётган фермер хўжаликлар Мавсулияти Чекланган Мукобил Машина трактор паркларни воситасидан ёки туманнинг Очик акциядорлик жамияти бўлган Машина трактор паркларини техникасидан фойдаланган ҳолда ишларни ташкил этиб келишлари керак. Бундан ташқари кўшни фермер хўжаликларни техникаларидан фойдаланиб ўзини механизациялашмаган ишларини бажариб олишлари мумкин.

“Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалигида юкорида келтирилган омилларга етарлича эътибор берса агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда хўжаликни иқтисодий самарадорлигини оширишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни. Тошкент. Ўзбекистон-1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. Тошкент. 1999 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ– 3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2008 йил 29 декабр
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3782 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2009 йил 23 ноябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини

такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сўзи. 23.10.2012 й
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
14. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.
15. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этиш-устивор йўналишдир». Халқ сўзи 28.01.2010 й.
16. И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Халқ сўзи 30.01.2010 й.
17. И.А.Каримов. БМТ саммитининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи Халқ сўзи 21.09.2010 й.
18. И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси». Халқ сўзи 13.11.2010 й.

19. И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи. 22.01.2011 йил.
20. И.А.Каримов. «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Халқ сўзи. 20.01.2012 й
21. И.А.Каримов. 2014 йил Юқори ўсиш сурратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш. Халқ сўзи. 19.01.2014 й.
22. И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи». Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил
23. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
24. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
25. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
- 26.И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳат маъсулиятли босқич» Т.Ўзбекистон 2003 йил
- 27.И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
- 28.И.А.Каримов. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз»Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 29.И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафкура» Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 30.И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон.Тошкент – 2000 й.
- 31.И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.

- 32.Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.
- 33.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009 й.
- 34.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.
- 35.Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
- 36.А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 йил
- 37.Ж.Хайдаров. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш. Агроилм журнали. 2010 й. 3-сон
38. Н.С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.
39. М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент– 2012 йил
40. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойихаларни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6 12 йил.
- 41.Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
- 42.Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари

номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация
автореферати. Тошкент-2012 йил

- 43.3.Ю.Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва
ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.
44. А.Собиров Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни
жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
45. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини
ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
46. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойиҳаларни жорий
қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
журнали. №6 .2012 йил.
- 47.Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион
ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агроилм.
1(21) сон, 2012 йил.
48. Б.Қўшақов. Фермерлик-мустақиллик берган неъмат. Агробизнес
журнали. 7-сон, 2012 й.
- 49.А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон иқтисодиётини
барқарор ривожлантиришда кичик бизнес хусусий тадбиркорликни
тутган ўрни ва аҳамияти Андижон машинасозлик институтидаги
конференция материаллари.2013 й
50. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари
кенгашини ташкил этилиши аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг
янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги
конференция материаллари. .2013 й
51. А.Абдуллаев, О.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш
шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини
ошириш омиллари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида
қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари.
Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. 2013 й

52. Ф.Муминова Иктисодиётни модернизациялаш жароёнида ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларидаги нисбатнинг узгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №2. 2013 йил.
53. Мирзаев.К. Агросервис хизматлар бозори. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №3. 2013 йил
54. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини барқорор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4.2013 йил.
- 55.Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжаликлари уюшмасини 2008-2012 йиллардаги йиллик ҳисоботлари ҳамда бошқа маълумотлари.
- 56.“Мадаминов Дониёржон Пирматович” фермер хўжалигини 2011-2013 йилларини бошланғич бухгалтерия маълумотлари, ҳисоботлари ва Бизнес-режаси.